Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 63 (8803).

22 март 1986 йил шанба

Баҳоси 3 тийин.

## ДЕЛЕГАЦИЯ ҚАЙТИБ КЕЛДИ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР Маданият министри П. Н. Демичев бошчилигидаги Совет Иттифоқи Коммунистик партияси делегацияси Деҳлидан қайтаётиб, 21 март куни Тошкентда қисқа муддат тўхтаб ўтди. Делегация Ҳиндистон Коммунистик партиясининг XIII съездида қатнашди. Делегация составида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. П. Анишчев, КПСС Марказий Комитети Халқаро бўлимининг сектор мудири П. В. Куцобин бор.

Тошкент аэропортида делегацияни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюроси аъзолари И. Б. Усмонхўжаев, Р. Ҳ. Абдуллаева, В. А. Головин, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюроси аъзолигига кандидат В. К. Михайлов, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар ва кузатиб қўйдилар.

(ЎзТАГ).

# БИЗНИНГ СОВЕТ ДЕМОКРАТИЯМИЗ

Тузумимизнинг кучи — омманинг жонли ижодкорлигидадир, Советлар мамлакати ҳар бир гражданининг давлат ва жамоат ишларида тобора кенг иштирок этишидадир. Буларсиз КПСС XXVII съезди ўртага қўйган вазифаларни ҳал этиб бўлмайди, мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириб бўлмайди.

Демократия — социалистик ижтимоий организм жўшиб яшаб, ривожлана оладиган соғлом ва мусаффо ҳавонинг ўзидир. Жамиятни янада демократлаштириш, халқнинг социалистик ўз-ўзини бошқарувини чуқурлаштириш — партиямизнинг сиёсий соҳадаги кўп қиррали ишининг энг асосий йўналишидир.

Марказий Комитетнинг жамият сиёсий системасини такомиллаштириш соҳасида кўрган чора-тадбирларини КПСС XXVII съезди юксак баҳолади. Мамлакат ишларини бошқаришда меҳнаткашларнинг иштирок этиш кўламлари жозибадордир. 2,3 миллион киши барча поғоналардаги Советларнинг депутатлари қилиб сайланган. Жуда кўп жамоатчи активлар давлат ҳокимияти органларининг ишига ёрдам бермоқдалар. Жамоат ташкилотлари, омманинг турли ижтимоий ижодкорлик органлари деярли бутун меҳнаткаш аҳолини бирлаштириб турибди. Аммо ҳозир меҳнаткашларни «қамраб олиш»га доир мана шу, ҳатто жуда катта рақамлар билан ҳам чекланиш кифоя қилмайди. Бу соҳада қилинган ва қилинаётган ишларни партия кечаги кун мезонлари билан эмас, балки янги вазифалар кўлами ва мураккаблиги нуқтаи назаридан баҳолашга даъват этмоқда. Янги таҳрирдаги КПСС Программасида таъкидлаб ўтилганидек, бу вазифалар халқнинг социалистик ўз-ўзини бошқаришини изчиллик билан муттасил ривожлантиришни талаб қилади.

Съезд ҳужжатларида социалистик ўз-ўзини бошқаришнинг марксча-ленинча принциплари чуқур ва ҳар томонлама асослаб берилди ҳамда ижодий тарзда ривожлантирилди. Давлат ва жамоат турмушининг кундалик практикасида бу принципларни рўёбга чиқариш бошқарув меҳнаткашларнинг манфаатлари йўлида амалга оширилибгина қолмай, шу билан бирга у қонуниятли равишда, қадам-бақадам меҳнаткашларнинг ўз бевосита ишига айланиб қолажагини ҳам билдиради. Совет ҳокимиятининг, социалистик демократиямизнинг моҳияти мана шундан иборат. Марказий Комитетнинг Сиёсий докладида ўз-ўзини бошқариш негизлари давлатчилигимиздан ташқарида эмас, балки унинг ичида ривожланиб, давлат ва жамоат турмушининг ҳамма бўғинларига тобора чуқурроқ сингиб бориши, демократик централизмнинг мазмунини бойитиши, унинг социалистик табиатини мустаҳкамлаши таъкидлаб ўтилди.

Халқ депутатлари Советларининг фаолияти тобора чуқур ва хилма-хил мазмун билан тўлдирилмоқда, уларнинг жуда кўп имкониятларидан самаралироқ фойдаланиш лозим. Айни Советлар хўжалик ва маданий қурилишнинг кўпдан-кўп проблемаларини ҳал этиш тўғрисида биринчи галда ғамхўрлик қилишлари, социал адолат принципини амалга оширишга ҳисса қўшишлари керак. Оммани социал-иқтисодий тараққиётни жадаллаштиришга сафарбар қилишда, одамларнинг кундалик турмушига, уларнинг талаб ва эҳтиёжларини қондиришга тааллуқли ҳамма масалаларни ҳал этишда совет ваколатли органларининг ролини ошириш йўлидан янада қатъият билан боравериш керак.

Партия Советларнинг мустақиллиги ва масъулиятини кучайтиришга, территориал ва тармоқ органларининг баҳамжиҳат ишлашини таъминлайдиган механизмни созлашга, сайлов практикасини такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирларни яқин вақт ичидаёқ ишлаб чиқиш зарур деб ҳисоблайди. Бошқарувдаги демократик негизларни чуқурлаштириш, давлат аппарати ишидаги аниқлик ва оперативликни ошириш, маҳкамачилик ва маҳаллийчилик, масъулиятсизлик ва бюрократизм, одамларга нисбатан расмий, бепарволарча муносабат кўринишларини қатъиян тугатиш лозим. Бошқарув аппаратининг фаолияти меҳнаткашлар томонидан контрол қилинишининг турли формаларидан самаралироқ фойдаланиш муҳимдир. Бу соҳада касаба союзлари, халқ контролёрлари, оммавий ахборот воситалари кўп иш қилишлари мумкин.

Мамлакатимиздаги жамоат ташкилотларининг халқчил, ижодкорона, ҳаваскорлик табиатидан ҳам унчалик тўлиқ фойдаланилмаётганлиги съездда уқтириб ўтилди. Бир қанча ҳолларда бу ташкилотлар аввало штатдаги аппарат кучи билан бюрократик тарзда иш кўришга интилмоқдалар, оммага яхшироқ таянмаяптилар. Касаба союзларининг имкониятлари ва ҳуқуқлари жуда катта. Энг оммавий ташкилот бўлмиш касаба союзлари халқ хўжалик планларини бажариш, интизомни мустаҳкамлаш, меҳнат унумдорлигини ошириш соҳасидаги ишга активроқ кўмаклашишлари, социалистик мусобақани ривожлантиришлари керак. Касаба союзлари меҳнаткашларнинг қонуний манфаатларини зўр собитқадамлик ва қатъият билан ҳимоя қилишлари, партиянинг социал сиёсатини амалга оширишда қатнашишлари лозим.

Ленин комсомолини партия ҳақли равишда ўзининг жанговар ёрдамчиси ва ишончли резерви деб ҳисоблайди. КПСС ёш авлодни тарбиялашда, умумхалқ бунёдкорлик вазифаларини амалий равишда ҳал этишда бундан буён ҳам комсомолнинг ролини ошираверади.

Съездда хотин-қизлар, кекса авлод намояндалари каби аҳолининг салмоқли группалари манфаатларини ифодаловчи янги жамоат ташкилотларини тузиш масаласи ҳам ўртага қўйилди. Хотин-қизлар кенгашлари, уруш ва меҳнат ветеранларининг Бутуниттифоқ ташкилоти кўпгина социал масалаларни ҳал этишга жиддий таъсир ўтказиши мумкин.

Халқнинг социалистик ўз-ўзини бошқаруви системасида жамоат ташкилотларининг роли бундан буён ҳам муттасил ошаверади. Съезд фақат шу ташкилотлар иштирокидагина ёки даставвал уларнинг розилигини олгандан кейингина давлат органлари ҳал қилиши мумкин бўлган масалалар доирасини кенгайтириш, бир қанча ҳолларда уларга бошқарув қарорларининг амал қилишини тўхтатиб қўйиш ҳуқуқини бериш зарур деб ҳисоблади.

Бевосита демократиянинг ҳамма формаларидан фойдаланиш ва аввало меҳнат коллективларини активлаштириш, уларда социалистик ўзаро ёрдам ва талабчанлик муҳитини вужудга келтириш, меҳнаткашларни ишлаб чиқаришнинг тўла ҳуқуқли хўжайинлари эканликларини ҳис этиш, жамият олдидаги вазифаларни бажариш учун юксак масъулият руҳида тарбиялаш масалаларига алоҳида эътибор бериб келмоқда. Меҳнат коллективлари тўғрисидаги қонунда мустаҳкамлаб қўйилган демократик принциплар ва нормаларни амалий равишда рўёбга чиқариш механизмини тубдан яхшилаш, меҳнат коллективлари узил-кесил ҳал этадиган масалалар доирасини кенгайтириш лозим. Съезд меҳнат коллективларининг кенгашларини тузиш тўғрисидаги, шунингдек корхоналардаги раҳбар ходимлар сайлаб қўйилишини аста-секин кенгайтириш ҳақидаги таклифларни қўллаб-қувватлади. Колхоз, кооператив ўз-ўзини бошқаруви демократик негизларини ривожлантириш учун янги омил бахш этилди.

Партия мамлакат турмушининг йирик масалалари хусусида умумхалқ муҳокамаси ва овоз беришини ўтказиш практикасини такомиллаштиради. Маҳаллий Советларнинг қарорларини одамлар билан маслаҳатлашиш учун тез-тез ўртага қўйиб туриш, бевосита демократияни ривожлантиришнинг гражданлар йиғилишлари, сайловчилар наказлари, меҳнаткашлар хатлари, жамоатчилик фикрини аниқлашнинг хилма-хил воситалари сингари имкониятлардан яхшироқ фойдаланиш керак. Ошкоралик — узлуксиз ишлайдиган система бўлиб қолиши, давлатда ва жамиятда қилинаётган ишлар халқнинг назорати остида, халқнинг кўз ўнгида қилинадиган бўлиши лозим.

Оммавий ахборот воситаларимиз — социалистик демократиянинг энг ёрқин кўринишларидан биридир. Матбуот саҳифаларида, телевидение ва радио орқали турмушнинг энг ўткир проблемалари ошкора, самимий, манфаатдорлик билан муҳокама қилинадиган бирон-бир давлатни социалистик системадан ташқарида топиш амру маҳол. Амалдаги демократия деб мана шуни айтадилар.

Социалистик демократизм қонунларга қатъий риоя этишдан, давлат ва жамоат ҳаётининг ҳуқуқий негизларини, совет гражданларининг ҳуқуқ ва эркинликлари гарантияларини мустаҳкамлашдан ажралмасдир. «Ғарбдагилар СССРда инсон ҳуқуқлари бузилмоқда ва қандайдир қисувлар жорий этилмоқда, деб гапиришни яхши кўрадилар, — деди қозоғистонлик тракторчи аёл Н. Геллерт КПСС XXVII съездининг минбаридан. — Бизнинг воқелигимиз бу уйдирмаларни таг-туби билан чиппакка чиқаради». Ҳуқуқларсиз мажбуриятлар бўлмаганидек, мажбуриятларсиз гражданнинг ҳуқуқлари ҳам бўлмаслиги ва бўлиши мумкин ҳам эмаслиги социализмнинг моҳиятини ташкил этади. Меҳнат аҳлининг сиёсий принципларимизга зид бўлган ҳамма иллатларни бартараф этишда ҳамманинг ва ҳар бир кишининг активлигини ошириш зарур.

Коммунистик партия — сиёсий системамизнинг етакчи кучи, ўзагидир. Жамиятда раҳбарлик ролини ўйнаётган партиянинг ўзи ҳам — ўзини ўзи идора қилувчи ижтимоий — сиёсий ташкилотнинг олий формасидир. КПСС ички партиявий демократияни ривожлантириб, сиёсий системанинг барча бўғинларида ишловчи коммунистларнинг активлигини ошириб, халқнинг социалистик ўз-ўзини бошқаришини чуқурлаштириш, мамлакат ишларида омманинг, ҳар бир кишининг иштирокини кенгайтириш жараёнига тўғри йўл-йўриқ бериб турибди. Партия давлат ва жамоат органларининг ўрнини босмайди ва улар қиладиган иш билан шуғулланмайди, балки сиёсий раҳбарлик қилади, жамиятни ривожлантиришнинг бош истиқболини белгилайди, кадрлар соҳасида принципиал сиёсат ўтказади.

Халқнинг социалистик ўз-ўзини бошқаришини ривожлантириш — партиянинг узоқ муддатли, стратегик йўлидир. КПСС XXVII съезди тарихий қарорларини бажариш халқ ташаббускорлигини қайта-қайта намоён этиши, омма социал-сиёсий ижодкорлигининг янги формаларини юзага келтириши шубҳасиз.

(«ПРАВДА» газетасининг 20 мартдаги бош мақоласи).

# КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросида

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси 20 март куни бўлиб ўтган навбатдаги мажлисида КПСС XXVII съезди резолюциясини ва Марказий Комитетнинг съездга Сиёсий доклади йўл-йўриқларини бажариш билан боғлиқ бўлган конкрет тадбирларни белгилади. Қабул этилган қарорда совет сиёсий системасининг барча бўғинларини съезд ўртага қўйган кенг миқёсли вазифаларни рўёбга чиқариш соҳасида зўр ғайрат билан бошланган ишга ҳеч кечиктирмай жалб этиш зарурлиги яна бир бор таъкидланди. Экономикани ривожлантириш, социал сиёсат, давлат қурилиши, идеология ишининг энг муҳим масалаларини ҳал этиш билан боғлиқ бўлган чора-тадбирлар комплекси белгилаб олинди.

Жумладан, ҳар бир тармоқда ва ҳар бир корхонада ишлаб чиқаришни янгилашнинг истиқбол программаларини ишлаб чиқиш, планлаштиришни яхшилаш, халқ хўжалигини бошқаришнинг тармоқ ва территориал негизлари бир-бири билан тўғри қўшиб олиб борилишини таъминлаш соҳасида зарур қадамларни қўйиш, маҳсулотнинг сифати тўғрисида қонун қабул қилиш кўзда тутилди.

Партиянинг социал сиёсатини амалга оширишга катта эътибор берилди. Шу муносабат билан аҳолининг уй-жой шароитларини яхшилашга, шаҳар ва қишлоқларни ободонлаштиришга, граждан қурилиши сифатини оширишга, мамлакатнинг социал-маданий комплексини ривожлантиришга қаратилган тадбирлар комплекси ишлаб чиқилиши лозим.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси СССР Министрлар Советига, СССР Госпланига, СССР Госснабига, тегишли министрликлар ва идораларнинг раҳбарларига, КПСС Марказий Комитетининг бўлимларига яқин вақт ичида съезд кўрсатмаларини бажариш масалалари юзасидан бир қанча ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳаларини тайёрлашни ташкил этишни таклиф қилди. Бу ишнинг ўтказилиши устидан контроллик қилиш КПСС Марказий Комитетининг секретариати зиммасига юклатилди.

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети партия XXVII съездининг қарорларига амал қилиб, агросаноат комплексидаги иқтисодий механизмни такомиллаштириш, колхоз ва совхозларнинг ташаббусини анча кенгайтириш, уларнинг мустақиллигини ошириш ҳамда ўз фаолияти натижалари учун масъулиятини кучайтириш тадбирлари кўзда тутилган қарор қабул қилдилар. Қарорга мувофиқ қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштириш ва харид қилиш, шунингдек материал-техника ресурсларини етказиб бериш ҳажмларини белгилашнинг норматив методига ўтилади.

Ўн иккинчи беш йилликда дон харид қилишнинг йиллар бўйича барқарор планларини белгилаб қўйиш, бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари юзасидан шу маҳсулотларни умумиттифоқ ва республика фондларига етказиб беришнинг беш йиллик йиллари бўйичагина тасдиқланган планларини иттифоқдош ва автоном республикаларга, ўлка ва областларга етказиш белгиланди. Озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришдан маҳаллий органларнинг манфаатдорлигини ошириш ҳамда шу маҳсулотлар билан аҳолини таъминлашни яхшилаш мақсадида гўшт, сут ва бошқа маҳсулотларни марказлаштирилган фондларга етказиб бериш планлари бажарилганидан кейин шу маҳсулотларнинг ресурслари мазкур органлар ихтиёрида қолдирилади. Колхоз ва совхозлар пландан ташқари жами маҳсулотни, картошка, мева ва сабзавотнинг эса планлаштирилган ҳосилининг анчагина қисмини кооператив савдоси орқали ва колхоз бозорларида сотишлари мумкин. Колхоз ва совхозларнинг ҳамда СССР Агросаноат давлат комитетининг қайта ишловчи ва бошқа корхоналари барча ишлаб чиқариш бўлинмаларини пудрат ва хўжалик ҳисоби шароитларига ўтказиш кўзда тутилади. Меҳнатга ҳақ тўлаш колхозлар, совхозлар, агросаноат комплекси барча корхоналари, қишлоқ қурилиши ташкилотларининг, агросаноат ишлаб чиқариши бошқа соҳаларининг пул ҳамда кредит билан таъминланиши такомиллаштирилмоқда.

Сиёсий бюро шуни таъкидладики, хўжалик юритишнинг иқтисодий методларини қатъият билан турмушга татбиқ этиш мамлакат озиқ-овқат комплекси ривожини ҳар томонлама жадаллаштиришни, меҳнаткашларнинг хилма-хил озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини тўла-тўкис қондириш вазифалари ҳал этилишини таъминлаши лозим. Қишлоқдаги ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантиришнинг ҳозирги босқичдаги бош вазифаси мана шундан иборат, бу вазифани бажариш марказдаги ва жойлардаги сиёсий, ташкилотчилик ва хўжалик ишининг ўзаги бўлиб қолиши лозим.

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг ҳисоблаш техникаси соҳасидаги ишларни мувофиқлаштириб олиб боришни яхшилаш тўғрисидаги ҳамда бу техникадан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ҳақидаги қарори қабул қилинди. Қарорда ҳисоблаш техникаси ва информатика СССР умумиттифоқ Давлат комитетини тузиш ҳамда ҳисоблаш техникаси воситаларини яратиш, ишлаб чиқариш, ундан халқ хўжалигида фойдаланиш ва уларга хизмат қилиш соҳасидаги бутун ишни мувофиқлаштириш учун масъулиятни шу комитет зиммасига юклаш кўзда тутилади.

Сиёсий бюро қишлоқ жойлардаги район маданият уйлари ва клублари қурилишини кенгайтириш ҳамда уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш тадбирларини белгилади. Ўн иккинчи беш йилликда ўн биринчи беш йилликдагига нисбатан икки баравар кўп клуб муассасалари қуриш кўзда тутилмоқда. Бу эса кўпгина район марказлари ва қишлоқ аҳоли пунктларида маданий-маърифий ишларни яхшилаш, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашда клублар ва маданият уйлари ролини ошириш имконини беради.

Сиёсий бюро бир қанча жамоат ташкилотлари, фан ва санъат арбобларининг Совет маданияти фондини таъсис этиш ҳақидаги ташаббусини маъқуллади. Таъкидлаб ўтилдики, бундай фонднинг яратилиши партиянинг омма ижодкорлигини бутун чоралар билан ривожлантиришга қаратилган қарорларини амалга оширишда муҳим қадам бўлади. Янги ташкилот аҳолининг турли табақаларини маданий қурилишга жалб этишга, уларнинг моддий имкониятлари ва ижодий куч-ғайратларидан социалистик бадиий маданиятни янада ривожлантириш, меҳнаткашларнинг маданий эҳтиёжларини тағин ҳам тўлароқ қондириш манфаатлари йўлида фойдаланишга актив кўмак бериши лозим.

Сиёсий бюро «Венера-Галлей кометаси» лойиҳаси бўйича амалга оширилган ишларнинг жуда катта илмий ва амалий аҳамиятини, совет олимлари ва конструкторлари, инженерлари, техниклари ва ишчилари, кўплаб коллективлар ва ташкилотларнинг планеталараро «Вега» автомат станциясини яратиш ва унинг учишини таъминлашга қўшган катта ҳиссасини қайд этиб ўтди. Бир қанча социалистик ва капиталистик мамлакатлар олимлари ҳамда мутахассисларининг актив иштирокида бундай йирик космик лойиҳанинг амалга оширилганлиги космик фазони тинч мақсадларда ўзлаштириш учун турли давлатлар илмий ва техникавий имкониятларини бирлаштириш мақсадга мувофиқлигини ва самарали бўлишини ёрқин тасдиқлаганлиги таъкидлаб ўтилди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси мажлисида КПСС XXVII съездининг мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш, қардош социализм мамлакатлари билан ҳамкорликни чуқурлаштириш, партиянинг тинчликсевар ташқи сиёсий стратегиясини амалга ошириш борасидаги қарорларини рўёбга чиқариш билан боғлиқ бўлган бошқа бир қанча масалалар ҳам муҳокама қилинди.

# ЧИГИТ ЭКИШГА ҲАММА НАРСА ШАЙ БЎЛСИН

ЯНГИЙЎЛ РАЙОНИДАГИ ЎРТА ОСИЁ МАШИНАЛАРНИ СИНАШ СТАНЦИЯСИДА БЎЛИБ ЎТГАН ОБЛАСТЬ СЕМИНАР-КЕНГАШИДАН

ОБЛАСТИМИЗ пахтакорлари ўн иккинчи беш йилликнинг дастлабки йилида пахтадан мўл, эртаги ва сифатли ҳосил етиштириш учун пухта тайёргарлик кўрмоқдалар. Айни кунларда бутун диққат-эътибор ерларни экишга тайёрлашга, барча майдонларга чигитни қулай муддатларда экиб, тупроқнинг табиий намига тўла ва бехато ундириб олишга қаратилмоқда. Айниқса, дала ишларида машина ва механизмлардан самарали фойдаланиш, уларнинг иш унумдорлигини ошириш, янги техникани, фан ютуқларини қўлланиш бош вазифа қилиб қўйилмоқда. 20 март куни Янгийўл районидаги Ўрта Осиё машиналарни синаш станциясида бўлиб ўтган область семинар-кенгашида ана шулар ҳақида гап борди.

Семинар-кенгашда РАПО бош мутахассислари, колхоз ва совхозларнинг бош инженерлари иштирок этишди. Улар бу ерда чигит экишга тайёргарлик бўйича олиб борилаётган ишлар юзасидан ўзаро фикр алмашдилар, мулоҳазаларини ўртага ташладилар. Шунингдек, янги — «СХУ—4» универсал экиш сеялкаси, унинг ишлаш усули билан танишдилар.

— КПСС XXVII съездида социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш ўн иккинчи беш йилликнинг асосий шиори эканлиги алоҳида таъкидланди, — деди республика агросаноат комитети пахтачилик машиналари бўйича давлат махсус лойиҳалаш бюросининг етакчи конструктори В. П. Фролов. — Бу вазифани бажариш учун ҳамма соҳада, жумладан, қишлоқ хўжалигида ҳам янги техника ва машиналарни дадил қўлланиш керак. Шу нуқтаи-назардан «СХУ—4» сеялкаси катта имкониятларга эгадир. Унда чигит экиш давридаги барча операцияларни бир йўла сифатли бажариш мумкин.

Ҳақиқатан ҳам бу сеялка бир қатор қулайликларга эга эканлигини кўпчилик таъкидлади. Унда экиш даврида сеялкачининг бўлиши шарт эмас, ерга уруғлик чигитнинг тушиши, ўғит ва гербицидларнинг сепилиши автоматик тарзда амалга оширилади. Уларнинг нормал тушиши эса «КЕДР-1» электрон мосламаси орқали назорат қилиб борилади. Бу мосламанинг сеялканинг барча ишчи органларига бирлаштирилган махсус симлари трактор кабинасидаги ускунага уланган. Агар экиш пайтида уруғлик, ўғит, гербицид идишда тугаб қолса ёки нормал тушмаса бу ускунада огоҳлантирувчи қизил чироқ ёнади. Механизатор дарҳол машинани тўхтатиб, камчиликни тузатиб ишни давом эттириши мумкин. Янги сеялканинг яна бир қулайлиги шундаки, уни бир марта уруғлик билан тўлдириб икки гектар ерга тўхтовсиз чигит экиш мумкин.

Ўтган йили Ғалаба районидаги «Ўзбекистон ССР 5 йиллиги» совхози ва бошқа бир қатор хўжаликларда бу сеялкада чигит экилиб, яхши натижаларга эришилди. Семинарда мутахассислар областимизда бу янги техника жуда суст жорий этилаётганлигини таъкидладилар.

— Дастлаб янги сеялка яратилганда баъзи мутахассислар ва механизаторлар ундан фақат текис майдонларда фойдаланилади, деган нотўғри ғояни илгари суришди, — деди республика агросаноат комитети янги техникани жорий этиш ва машиналар системаси бошқармаси бошлиғи С. Жумақулов. — Биз механизаторларнинг таклифлари, фикр-мулоҳазаларини ҳисобга олиб техникани янада такомиллаштирдик. Айни кунларда ишлаб чиқарилаётган сеялкага нотекис, кесакли майдонларда ҳам фойдаланиш имконини берадиган мосламалар ўрнатилди.

— Энг янги техникани яратиш билан бирга уни амалда самарали қўллай билиш ҳам керак, бу эса малакали механизаторларни тайёрлаш ҳамда уларнинг маҳоратини муттасил ошириб боришни такомиллаштиришни талаб қилади, — деб сўзини давом эттирди С. Жумақулов. — Биз бу соҳада ҳам бир қатор тадбирларни амалга ошираяпмиз. Айни кунларда область районларида механизаторлар «СХУ—4» сеялкасидан фойдаланиш йўл-йўриқлари, унинг конструкторлик схемаси билан таништирилмоқда.

Семинар-кенгаш қатнашчилари шу куни ғўза қатор ораларига ишлов берадиган универсал культиватор билан ҳам танишдилар. Энг муҳими шундаки, бу техникадан фойдаланиб, ҳар қандай схемада экилган ғўза қатор ораларини юмшатиш мумкин.

Кенгашда экиш мавсумини қисқа муддатларда тугаллашда техникадан самарали фойдаланиш алоҳида таъкидланди. Бунинг учун аниқланган камчиликларни тезда бартараф этиб, экиш экипажини тўла комплектлаш биринчи галдаги вазифадир дейишди иштирокчилар.

Семинар-кенгаш ишида область партия комитети секретари С. Д. Сайдалиев, республика агросаноат комитети масъул ходими Б. П. Кунченко, область агросаноат комитети раиси Н. И. Гусаков ўртоқлар иштирок этдилар.

**Ф. МУҲИДДИНОВ,**
**«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.**



◆ СУРАТДА: семинар-кенгаш қатнашчилари янги универсал экиш сеялкаси билан танишмоқдалар.

А. Зуфаров фотоси.

# ЎЗБЕКИСТОН АРХИТЕКТОРЛАРИНИНГ СЪЕЗДИ

Архитекторлар КПСС XXVII съезди қарорларини бажаришга салмоқли ҳисса қўшишлари керак. Ўзбекистон архитекторларининг 21 март куни Тошкентда бўлиб ўтган XII съездида совет кишиларининг фаровонлигини ошириш соҳасида партия белгилаган программани рўёбга чиқаришда меъморнинг роли ва ўрни муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг табрикномасини делегатлар самимий кутиб олдилар. Табрикномани Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари В. Н. Лобко ўқиб эшиттирди.

Республика Архитекторлар союзи правлениесининг раиси Т. Ф. Қодирова қилган ҳисобот докладида, делегатларнинг нутқларида ўтган беш йиллик мобайнида Ўзбекистон меъморлари архитектура ижодкорлигида ва илмий-педагогика фаолиятида муайян муваффақиятларга эришганликлари таъкидлаб ўтилди. Бир қанча асарлар халқаро ва Бутуниттифоқ кўриклари ҳамда конкурсларида тақдирланди, шаҳар ва қишлоқларнинг бош планлари тузилди, кўпгина типовой ва ноёб лойиҳалар амалга оширилди, жозибадор архитектура ансамбли барпо этилди.

Шу билан бирга архитектура практикасида ҳал этилмаган бир қанча проблемалар ва камчиликлар бор, деб айтилди съездда. Бу соҳада билими бўлмаган айрим раҳбарларнинг ўзбошимчалик билан берган кўрсатмалари сабабли бош планларга хилоф иш қилиш баъзи жойларда одат тусига кириб қолган, бу эса каттагина иқтисодий ва маънавий зиён етказмоқда. Уй-жой микрорайонларини комплекс қуришда катта нуқсонларга йўл қўйилди, бу эса меҳнаткашларнинг ҳақли таъналарига сабаб бўлмоқда. Областлар, шаҳарлар, районларнинг бош архитекторлари бу шароитларда муносиб даражада принципиаллик кўрсатмаяптилар. Республика Госстройи ҳам жойлардаги ўз муассасаларига нисбатан ҳамиша талабчанлик қилаётгани йўқ. Республика архитекторлари қишлоқ меҳнатчилари олдида катта қарздордирлар.

Сўзга чиққан нотиқлар КПСС XXVII съездида, Ўзбекистон Компартиясининг XXI съездида уй-жой қурилишининг аҳволи қаттиқ танқид қилинганини тўғри деб ҳисоблаб, қурилиш жараёнида архитекторнинг ўрни тўғрисидаги масалани принципиал тарзда ҳал этиш пайти келганини уқтирдилар. Завод уйсозлигини такомиллаштириш — поток линияларни янги сериялардаги уйлар ишлаб чиқариш учун тез қайта созлаш имконини берадиган мослашувчан технологияга ўтиш зарур. Партия XXVII съезди ўртага қўйган стратегик вазифалардан бири — 2000 йилгача ҳар бир оилани шинам квартира ёки алоҳида уй билан таъминлаш вазифасини ҳал этишда архитекторлар, қурилиш индустрияси, бинокорларнинг кучларини бирлаштириш лозим.

Архитекторларнинг профессионал маҳоратини, кадрлар тайёрлаш даражасини ошириш, чинакам ишчан, ижодий вазиятни вужудга келтириш масалалари шу куннинг талаблари асосида айниқса кескин бўлиб турибди. Бу ишда союз раҳбарлари жиддий камчиликларга йўл қўйдилар. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумида бу салбий ҳодисаларга принципиал баҳо берилди.

Делегатлар ревизия комиссиясининг раиси М. С. Булатовнинг шу комиссия номидан қилган ҳисоботини тингладилар.

Съезд қабул қилган резолюцияда архитекторларнинг ижодий изланишини такомиллаштириш, лойиҳаларнинг сифатини ошириш ва турларини кўпайтириш, илм-фан ва қурилиш практикаси билан алоқани мустаҳкамлаш, архитектура таълимини йўлга қўйишни яхшилашнинг конкрет тадбирлари белгиланди.

Съезд республика ижодий союзининг правлениесини ва СССР архитекторлари VIII съездига делегатларни сайлади.

Съезд ишида Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Б. Ф. Сатин, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари Қ. Ҳ. Маҳамадалиев, СССР Архитекторлар союзи правлениесининг секретарлари В. Н. Белоусов, А. П. Кудрявцев, Белоруссия Архитекторлар союзи правлениесининг раиси Е. М. Ковалевский, Арманистон Архитекторлар союзи правлениесининг раиси А. Г. Григорян, қардош республикалар ижодий союзларининг вакиллари қатнашдилар.

* * *

Ўзбекистон Архитекторлар союзи правлениесининг шу куни бўлиб ўтган пленумида Т. Ф. Қодирова правление раиси, В. В. Березин, Р. Л. Конторер, Ҳ. А. Салоҳиддинов, Ҳ. М. Убайдуллаев раис ўринбосарлари қилиб сайландилар.

М. С. Булатов ижодий союз ревизия комиссиясининг раиси этиб сайланди. [ЎзТАГ].

